

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 156 (6. 645)

1988 йил 7 июль, пайшанба

Баҳоси 3 тийим

МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

«Превд» газетасининг «Бутуниттифоқ» рубрикали бутун редакцион мақола «Демократиялаш» программаси деб номланади.

Газетанинг олтинчи саҳифасида эълон қилинган «Олмоқнинг бермоғи бор» сарлавхали мақолада «Белорус» журналининг бош редактори А. Шабалин дўстлик, коллективизм, рақм-шафқатнинг таъкидига ҳақида ўз фикрлари, журналининг иш тартиблари билан ўртоқлашади.

«Известия» газетасининг учинчи саҳифасида «Ошқоралик сабоғи» сарлавхали мақолада турли касб-кор эгаларининг XIX партия конференцияси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари берилган.

Жаҳон матбуоти кўзгусида

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ҳамон чет эл оммавий ахборот воситалари эътиборини ўзига жалб этмоқда. Улар совет коммунистлари анжумани якуниларини батафсил таҳлил этиб, унинг СССРдаги сиёсий, иқтисодий ва социал ўзгаришларда муҳим роль ўйнашини қайд этмоқдалар.

«Известия» газетасининг учинчи саҳифасида «Ошқоралик сабоғи» сарлавхали мақолада турли касб-кор эгаларининг XIX партия конференцияси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари берилган.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ҳамон чет эл оммавий ахборот воситалари эътиборини ўзига жалб этмоқда. Улар совет коммунистлари анжумани якуниларини батафсил таҳлил этиб, унинг СССРдаги сиёсий, иқтисодий ва социал ўзгаришларда муҳим роль ўйнашини қайд этмоқдалар.

М. С. Горбачевнинг ПХРга визити муносабати билан

ВАРШАВА. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси Польшада катта қизиқиш билан кўтиб олинди, конференция М. С. Горбачев номи раъзи бўлган ўзгаришлар йўлини муштахкамлади, — деди ПХР ҳукуматининг матбуот бўйича вакили Е. Урбан. У, Варшавада бўлиб ўтган матбуот конференциясида совет коммунистларининг анжумани ошқоралик, рўй-рости ва демократия далолати бўлди, конференцияда Совет Иттифоқидagi муносабатлар ва структураларни қайта қуришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди, деди.

ПХР ҳукуматининг вакили М. С. Горбачевнинг Польшага бўлган расмий дўстона визити муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг сиёсатга поляклар хайрихоҳлиги билдириётганининг таъкидлади. Бу сиёсат Польшада социалистик янгилашни ва ислохотлар йўлининг шунингдек, ўзгаришларини қўллаб-қувватлаётган кучларнинг муштахкамлашига хизмат қилди.

Польшада социализмни янгилаш усулларига озодиннинг ҳис этиш кўчаларида, масъулият тўғрисида эртмоқда. Биз муштахкам йўлдан бормоқдамиз, дедик, поляклар амалга оширадиган ислохотлар қайта қуриш ва демократиялашнинг унмий қараёнини муштахкамлайди.

ПБМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ю. Чирек, ПАП агентлиги муҳбири билан суҳбатда (суҳбат тексти матбуотда эълон қилинди) КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг визити Польша билан Совет Иттифоқи муносабатларида янги босқич бўлади, деб таъкидлади. Бу босқични нисбала мамлакат ўртасидаги кўп асрлик тарихга эга бўлган муносабатларнинг яна ҳам кенгроқ тарихий микёсда баҳолаш мумкинлиги муштасно этилмайди, деб уқтирди ПХР ҳукуматининг вакили.

Қисқа сатрларда

ВАШИНГТОН. АҚШ юстиция министри Эдвин Миз шу йилнинг охирида ёки август ойида истафого чиқишини эълон қилди. Махсус прокурор Жеймс Маккей Мизга қарши жуда кўп айбонлари бир йилдан кўпроқ вақт давом этган текширишни тугаллаганидан кейин министр истафого чиқишини маълум қилди. Тўғрисида қўйилган 830 саҳифадан иборат докда суд маъмурига топширилади. У бир неча ҳафтадан сўнг тўла ёки қисман эълон қилишни кутмақда. Бу хусусда суд маъмурига қарор қабул қиладилар. Шунга қадар докда мазмунини сир сақламади.

ЛИССАБОН. Португалиянинг берча қишлоқ ҳўжалик райони лари табиий офат ҳолатида, деб эълон қилинди. Сўнгги вақтда тўхтовсиз ёғадиган жале дон ва дуккели экинларни, тоқзорларни, мева ҳосилини деярли бутунлай яқсон қилди. Келтирилган зарар юзлаб миллиард эскудо билан ҳисобланмоқда. Португалиядаги кўпгина газеталар қишлоқ ҳўжалигиди ҳозирги везиятни миллий фалокет деб таърифламақдалар.

ВАШИНГТОН. АҚШ маъмуриятининг вакиллари АҚШнинг Форс кўрфазиндаги ҳарбий-денгиз кучлари группасига кирувчи «Винсенс» ҳарбий кемасидан Эроннинг пассажир авиалайнерига берилган ракета зарбаси «оғжалли тасодиф» эканлигига жаҳон жамоатчилигини ишонтириш мақсидидаги кампанияни ави олдирмоқдалар. Президент Рейган шу хусусда сўнгги йили кун ичида унчинчи баъот билан чиқди. Шу кунинг конгресс ҳар икки палатасининг раҳбарларига юборилди. Шунга буюнган президент ҳарбий кема командирининг хатти-ҳаракатини «ўзини ўзи мудофеа қилиш зарурати» билан оқлашга уринди.

Объективда—Польша



Варшавада ўтган кичик шакл ҳайкалтарошлиги истафасида Болгария, Венгрия, Куба, Польша, СССР ва ЧССР муаллифларининг 230 асари намоиш этилди.


СУРАТДА: кубалик расмюн Августини Брак-Альмеда яратган тинчлик набутирининг ўзига хос раъзий образи.

ЦАФ — ТАСС фотоси.

Партия конференцияси қарорларини амалга оширамиз

Амалий фаолият зарур

ЗАМОНДОШИМИЗ



Яхшином

Умр инсонга бир марта берилиши ҳеч кимга сир эмас. Тарих, аср олдида одамзод умри инсонли бир шам эканини ҳам ҳамма билади. Бироқ берилган шу умрини эзгу ишларга сарфлаш, одамлар кўнглида яхши ном қолдириш, эзгулик, инсонийлик учун янаш лозимлигини эса ҳамма ҳам билвермайди. Билмагандан ва ё билишни истамагандан кейин ҳар хил кераксиз эрмалар, ҳангома-талаблик қилинади, «кунинг ўтса бўлади» деган ақидада таяниб умр ҳам, эътиқоду меҳр ҳам елга сувирилади.

Одам ҳақиқата эзгу ишлар билан банд бўлса унинг бир нави умрғузарилишига сарфлайдиган ортиқча фурсати бўлмайди, — дейди «Среднеэлектронлар» таърифул чикариши бирлашмасига қарашли реле-автоматика заводи-нинг соловчиси Владимир Николаевич Меркулов. Эътиқод космонавтада ҳам, косибда ҳам эътиқод. Бунда энг муҳими инсоний моҳият.

Дарҳақиқат, Владимирнинг ўзи ҳам ўзининг ҳў-ҳавасларига банди эмас. Ўзини, кераксиз нарсаларни ўйламайди ҳам, қўюнайди ҳам. Энг муҳими ишлари жойида, ишдан, меҳнатидан қўнгли тўли. Коллективда ўзига яраша ўрин бор. Мабодо муҳокама қилинганда бирор муаммо чиниб қолса албатта унинг ҳам фикрига қўлоқ солинади. Ишга фойдаси тегадиган таклиф-мулоҳазалари эътибор-

дан четда қолмайди. Дўстлари ҳам, шогирдлари ҳам ундан маслаҳат олишади. Ингирма йиллик меҳнат стажи бор ахир.

Шу кўнларда бутун совет халқи XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг руҳи билан ишамоқда. Қайқа борман баҳус мунозара, муҳокама, тортишув. Конференция ижтимоий ҳаётинида том маънода янгилик бўлди. Шу сабабли баҳслар ҳам, сўровлар ҳам қизгин, рағбаранг. Владимир Николаевич ҳам конференциядан мамнун.

— Эсимни таъинганимдан буён бундай катта йилнинг эслолмайман, — дейди у. — Айниқ, конференция резолюциялари эълон қилингандан сўнг, бажарилиши лозим бўлган ишлар кўлами нақадар кенглиги, ҳамма масала-ларга ҳолисона ёндашилганлиги мени кўноттирди.

Дарҳақиқат, ишларимиз кўлами кенг. Бу улкан вази-фаларин бажариш учун эса кенг кўламли меҳнатчилар, индйилару ишчилар керак. Владимир Николаевич шулардан бири.

С. САЛОХИДИНОВ.

СУРАТДА: В. Н. Меркулов.

Т. Каримов фотоси.

«Ташметрострой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқар-маси 5-уастка бошлиғи.

Тил ва дил бирлиги

Доно халқимизнинг ҳикматлар ҳазинасида «Дили покнинг — иши пок», «Дили бошқа — тили бошқа» деган бағоят ибратли иборалар бор. Бу — кимнингки дили поккиза, тўғри бўлса, унинг сўзи ҳам ҳақиқий ва нуфузли, таъсирли бўлади, амалга ошираётган ишлари ҳам шунга яраша адолатли, эл-юртга маъқул даражада бўлади, оқибат натижада у қокимнай-суринмасдан камол топади демақдир.

Ва, яна, кимнингки дили билан тили бошқа-бошқа бўлса, у на эл-юрт олдида обрў топади, на ўз виждонин олдида ҳалол, пок бўлади. Бундайлар бора-бора шахс сифатида бадном бўлади, эл-юрт олдида юзи қоралингича қолаверади...

Мен, нафақат биз учун, балки, жаҳон халқлари учун ҳам ибратли фикрлар айтилган, мантиқли ҳулосалар чиқарилган, ишчан-лик, ошқоралик ва ҳақиқонийлик вазиютида ўтган КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материалларини телевидеида кўриб, радиода эшитиб, вақтлик матбуотда ўқиб эканман, халқимиз ана шу ҳикматларини дил-даме қайта-қайта тақорладим. Дарҳақиқат, М. С. Горбачевнинг конференциядаги КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарила-ётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вази-фалари тўғрисида қилган программ док-лад, конференция делегатларининг маъру-залари менда чуқур таассурот қолдирди. Нафақат мени, балки, у билан танишган ҳамма-ҳаммамни қонил қолдирди! Борди-ю, мамиятимизни олға силкитиш, халқ фаро-волигини ошириш, умуман олганда иқтисо-дий-сиёсий, идеологик ишларимизнинг буюк программасини аниқ, конкрет белгилаб бер-ган КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларидан ундан икки қисман бажарила-ганда ҳам [унинг ўла амалга оширишга ме-нинг кимоним юксали] қанчалар сиқиб, олға кетишимиз, немоқил ютуқларни кўлга ки-риштишимизни кўз олдидаги келтириб қалбим

гўрурга тўлиб-тошди!

Менинг конференция якунидан олган энг асосий таассуротим унда халқ мафратини, унинг келажиги, фаровон, осийишта ҳаёти ҳақида қайғуриш, куюнқалик кўрсатиш бўл-ди, десам муболаға қилмаган бўламан. Бунга демократияни янада кучайтириш, ошқорали-лигини тағин ҳам кескинроқ қўйиш, инсон ҳақ-ҳўқуқини ҳурматлаш, қадрига еттиш орка-лигини эришилади. Ҳа, XIX конференция ишда социализмнинг янгиҳа қиёфасини, янгиҳа уфқларини, демак ҳақиқий ленинча анъаналарини кўрдик, шохиди бўлди.

Кези келганда бир нарсани айтиб ўтмоқ-чиман. Ҳар қандай қарор, ҳуноқат, програм-мани халқ мамнуният билан қалбдан қабул қилса, унга ишонса, дил-дилидан имзосини чекасига у ҳақиқатга айланади, амалга оша-ди. Шу жўхатдан қараганда КПСС XIX Бу-туниттифоқ конференцияси резолюциялари-ни ҳам, унинг аввал эълон қилинган Тезисла-ри қаб, халқимиз кўтаринкилини, зўр мам-нуният, иқхотда ташкили билан қабул қил-ди, уни амалга ошириш учун қаттиқ бел бо-лади. Бу ҳол эса ютуқлар омилидир.

Яқинда бир гўруҳ зўвучилар, олимлар билан Сурхондарёда ташкил этилган Ойбекхо-лини кўнлариди иштирок этиб қайтдик. Қерда бўлмайлик, кимлар билан суҳбатлаш-лик ҳаммамнинг дилда, тилида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясини. Халқ у билан нафас олиб, у билан яшамоқда. Конферен-ция қарорларини амалга ошириш иштиғи билан жанубининг 45—50 даража ҳароратли кўиш остида тер тўмоқда. Партиямиз қарорларига лаббай деб жавоб бермоқда. Чун-ки, унда халқ ўзини, мафратини кўрмоқда...

Шундай бағри кенг, меҳнатсевар, серташ-виш, дили билан тили бир халқимиз бор экан, партияимизнинг барча қарорлари ба-жарилади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

М. МУРОДОВ, профессор.

Уйсозлар ғайрати

Бригада 20 кишидан таш-кил топан. Унга узоқ йил-лардан бери Николай Ванин раҳбарлик қиладди. Ҳозир бу коллектив янги «Қизил Шарк» микрорайонида 72 он-лага мўлжалланган турар жой биносини бунёд этмоқ-да. Графидан икки ҳафта ўзид ишлайтган бунёдкорлар коллектив пудратининг аф-

залликларини амалда исо-бтлашмоқда. Бригада маъш-алари ҳисобланган Т. Устинин, А. Арқушлар қулиқ нор-маларини бир ярим — икки ҳисса ошириб адо этишмоқ-да.

«Главташкентстрой»-нинг 1-уйсозлик комбинати 2-қурилиш бошқармасига на-рашчи бизнинг коллектив-

Бунёдкорлар шижоати

Киров районининг «Мар-каз—4» кварталда ички ишлар бошқармасига қараш-ли спорт комплекси қурили-ши жадаллик билан олиб боришмоқда.

159-трест 22-қурилиш бош-қармасининг Я. Казанец етакчили қилайтган ҳўжа-лик ҳисобидида комплекс бригадаси коллектив бу масъулиятли топириқни шараф билан уддаламоқда.

Вино лойиҳасини «Таш-гипрогор» институти архи-текторлари ишлаб чиққан-лар. Бинокорлар шу кўнғача 557 минг сўмлик иш бажари-шган. Бунда И. Чударин, Г. Собиров, А. Сулаймоновлар-нинг ҳиссаси катта бўлапти.

26 кишидан иборат бу кол-лектив графидан ўзиб меҳ-нат қилмоқда. Қурувчилар партияимизнинг XIX Бутунит-тифоқ конференциясини 90

минг сўмлик монтаж, 70 минг сўмлик пайвандлаш, 80 минг сўмлик гишт териш иш-ларини бажариш билан ку-тиб олгандилар. Жами бажари-лган иш ҳажми 250 минг сўмликни ташкил этганди. Улар ютуқлар билан киноя-ланмай, янги марралар сари дадил бормоқдалар. Кол-лективда сўз ва иш бирлиги таъминланапти.

СССРда Ҳиндистон дўстлик фестивали фотойилномаси

Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истиро-бат богида ташкил этилган фотокўргазма Индира Ган-дининг «Бизнинг дўстлиги-миз — икки буюк халқ қай-ноқ қалбларининг пайваста-сидир» деган сўзлари билан бошланади. Фотокўргазма СССРда Ҳиндистон фести-

валининг якуниловчи тадбир-лари доирасида уюштирил-ган бўлиб, икки мамлакат халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигига бағишланган.


Фотокўргазманинг анча-гина қисми Жавоҳарлаъл Неру билан Индира Ганди-нинг 1955 йилда СССРга

хат сўрашар, ҳонадонларга таклиф қилишарди.

Фотокўргазма томошаби-ларни бир неча ўн йиллар мобайнида олинган суратлар билан танишдилар. Бу су-ратлар СССР билан Ҳин-дистоннинг экомоника, илм-фан, маданият соҳасидаги

кўп томонлама ҳамкорлиги-ни акс эттирарди. Тарихий кадрлар М. С. Горбачев-нинг Ҳиндистонга қилган визити вақтида энг муҳим дақиқаларни, ниҳоятга ета-ётган фестивалнинг гойт ёрқин лавҳаларини тасвир-лаган.

Машинасоз қиз



Уз касбини севган кишига бахт ҳамisha кулиб боқа-
веради. Бундай фидойи заҳматкашларнинг ҳар бир кун
самарали ўтади. Шуларни ўйласа Абдулла Абдураши-
довнинг юзига беҳтиёр табассум ёйилади. Бу бежиз
эмас, албатта. У 30 йилдан буён шаҳар санитария эпи-
демиология станциясига қарашли автобазада шофёр бў-
либ ишлаётди. Ҳалоллиги, ишга бўлган ижодий муноса-

бати туфайли коллектив олқишини олмоқда. Машина
рулини моҳирлик билан бошқариб, зиммасидаги топиш-
рини мунтазам муваффақиятли адо этаётди.

СУРАТДА: Абдулла Абдурашидов ҳамкасби Гафулла
Зонтов билан.

Т. Каримов фотоси.

Улар заводга қандайдир тор-
тиниб, қимтиниб келишарди:
кечаги кишлоқ болалари иш-
лаб чиқаришнинг шиддаткор
мароми, дастгоҳлар шовқин-
сурони, ранг-баранг мураккаб
буюмлар олдида хайратда қол-
ганиликлари шундоққина сези-
либ турарди. Аммо бунинг пас-
таккина нозик, бошига ўраган
рўмоли қошига тегай деб тур-
ган бу қиз ана шулар орасида
ҳам камсухаллиги билан ало-
ҳида ажралиб турарди. Кўзга
ташланмаслиги гўё унинг асосий
фазилатидек эди.

Шу қизни тажрибали ишчи
Нина Степановна Голованова
биринчи бўлиб қўйишди. Унга
қизларнинг йиғишдек жўнгина
вазифаларни топиришган эди,
тез ўлаштириб олиб, кўнглиг-
дагидек аниқ бажарди. Йиғи-
чилар бригадасининг бошлиғи
Дилшод Сайфуллаев бир нарс-
ани тезда сезиб қолди: у
шунингдёлларини йиғишга ки-
ришгани ҳамона нарироқдаги
қиз унинг қўлларига зехн солиб,
ошқорча қизиксиниб турарди.
У қизни ёнига қақчириб деди:

— Яхшилаб қараб тура, э-
слаб қол, Мана бу барабан.
Ҳозир биз шу барабанга,
шиндиль ёнига мана шу шўт-
каларни ўрнатамиз. Бу бирла-
мис, мана бу иккиламчиси.
Энди бўлса... — у тушунти-
ришда давом этди.

— Билдингми?
— Йўқ.
— Тағин бир кўрсатайми?
— Ҳа.
Қизнинг қора кўзлари бри-
гадирнинг қўллари қандай эп-
чиллик билан ҳаракат қилиш-

га янада ортиқроқ зехн билан
қараб турарди.

— Яна бир бор кўрсатайми?
— Йўқ.
— Узинг бажара оласанми?

Куюқ киприклар қоқилмас-
дан, қўллари эса гўё у ҳамisha
шу иш билан машғул бўлган-
дек, бригадирнинг барча ҳа-
ракатларини аниқ такрорлар-
ди.

Кейинчалик у мураккаб опе-
рацияларни, технология ре-
жимлари сир-асорини билиб
олди.

Д. Сайфуллаев бригадаси-
нинг состави галвирдан ўтқа-
зилганида, бригадир:

— Зебунисо Ризаматовани
албатта қолдирасиз, — деб ту-
риб олди. — Мени айтган эди
дерсиз, бу қиз ажойиб мастер
бўлади.

Ушандан бери орадан уч
йил ўтиб кетди. Бу орада кол-
лективга қўллар келди. Қўллар
эса кетди. Зебунисонинг ютук-
ларини кўрган кишиларнинг
ҳаммаси бригадир ўз шоғирди
тўғрисида тўғри гап айтганига
аллақачонлар ишонибди.

Мен «Ташсельмаш» заводи-
да ким тўғрисида ёзишни мас-
лаҳатлашганимда:
— 15-цех Бора қолинг, —
дейишди. — У ерда ҳозир
«17-ХНП» маркали пахта те-
риш машиналари мураккаб
қисмлари тайёрланмоқда. Бу
коллектив тайёрлаган махсу-
лотлар 17 давлатга экспорт қи-
линади. Ана шу участкада бир
қиз бор, жуда яхши ишлайди.
Исми Зебунисо.

Зебунисо ишлайдиган йиғув

цехининг бошлиғи бундай де-
ди:
— Д. Сайфуллаевнинг бри-
гадаси заводдаги энг яхши
коллективлардан бири. Бу ер-
да планларни ортиги билан
бажариш — ҳар бир киши
учун қону. Ун иккинчи беш
йилликнинг учинчи йилида
ишчилар ўз зиммаларига қў-
шимча мажбурият олишди.
Бу ерда махсулотнинг сифати
— алоҳида муҳим кўрсаткич:
ахир, бригада ишлаб чиқараёт-
ган махсулотнинг бир қисми
экспорт қилинади, жаҳоннинг
турли мамлакатларига юбори-
лади, бошқача қилиб айтганда,
чет элларда мамлакатимиз
махсулотини кўз-кўз қилади.
Ҳар бир детални сифат бўйича
давлат инспекцияси текшириб
қуради, бригадада йиғилган
эҳтиёт қисмларнинг ҳаммаси
юксак баҳога сазовор бўлмоқ-
да. Коллектив аҳил-иттифоқ
бўлиб ишлайди. Зебунисога
келсан унга алоҳида муноса-
батда бўлишарди. Негаки у ўзи
ажойиб дўст, яхши ҳамкасб-
да.

...Уч йил. Тортинчоқ шоғир-
ликдан йиғув цехининг мала-
ка ишчиси даражасигача
бўлган уч пиллапоё. Бу йиллар
мобайнида қандай юксак
экинча унутилмас бўлиб қол-
ди! Хеч бўлмаса, бултур, беш
йилликнинг иккинчи, юблея
йилда-чи!

Мен учун 1987 йил ай-
ниқса унутилмас йил бўлди,
— деб хисоб қилади Зебунисо.
— Мисол учун: октябр
ойида биз Ангولاга пахта те-
риш машиналари ва эҳтиёт

Д. ОБЛАЕВ.

«Тошкент окшоми» рейд бригадаси шаҳар кезади

Саратон. Қуёш мўл-қўл нури билан атрофга гўё олов
пуркайди, иссиқ тобора забтига олади, нафас олиш ҳам
қийин. Шундай пайтда кишиларга чанқовбосди ичимлик-
лар ором бериб, тақдир ҳароратининг таъсирини камайтир-
гандек бўлади. Шаҳар кезарканми, газ-сув автоматлари,
шарбат, квас ва бошқа лаззатли ичимликлар сотиладиган
жойларда одам гавжумлигини кўрди. Ҳароратли саратон
қуларига ҳамшаҳарларимизга алкоғолсиз ичимликлар
сотиш бўйича қандай хизмат кўрсатишмоқда? Рейдими-
нинг асосий мақсади ана шу саволга жавоб топишдан ибор-
ат бўлди.

Азим шаҳримизда «Таш-
кентливо» ишлаб чиқариш
бирлашмаси аҳолига алко-
ғолсиз ичимликлар етказиб
берадиган асосий бирлашма-
лардан бири ҳисобланади.
Шу йилнинг беш ойи ичида
ҳамшаҳарларимизга планда-
ги 926 минг декалитр ўрни-
га 1035 минг декалитр ал-
коғолсиз ичимликлар, 170
минг декалитр квас ва шар-
батли ичимликлар ўрнига
237 минг декалитр ичимлик-
лар етказиб берди. Шаҳар
аҳолиси учун бир кунда 17
минг декалитр махсулот тай-
ёрланмоқда.

Бизнинг рейдими текши-
руви «Ташкентливо» ишлаб
чиқариш бирлашмасининг 3-
алкоғолсиз ичимликлар иш-
лаб чиқариш заводидаги бош-
лади. Бу корхона шаҳарлик-
ларга квас, олма, нок шар-
батлари етказиб берадиган
асосий завод ҳисобланади.
Ҳар кун бу ерда 65 минг
литр уч-тўрт турдаги лимо-
надлар билан бир қаторда
80 тонна квас ва шарбат
ичимликлари тайёрланади.
Корхона директори И. Абду-
рахмонов саволимига жа-
воб бериб, бундай деди:

— Оқиб айтиш керакки,
корхонамизнинг ҳар кун 80
тонна квас ва шунча тонна
турли шарбатлар тайёрлаш-
га қўвват етади. Ваҳолан-
ки, ҳозирча савдо шохобча-
лари ва умумий оқватланиш
корхоналари бир кунда 60
тонна квас, 20 тонна шарбат
ичимликлари олиш билан
кифойланиб қолишмоқда.
Бу рақамлардан кўриниб ту-
рибди, квас ва шарбатли
ичимликларни савдо ва уму-
мий оқватланиш корхонала-
ри бир маромда олишмай-
тир. Натигада заводда тайёрла-
наётган махсулотлар турби
қолиб, бир неча маротаба
қайта ишланмоқда. Агар иш-
лаб чиқариш корхонаси ва
савдо ташкилотлари ҳам-
корликда ишлаганларида
эди, бу иш қайтарила-
масди. Магазин мудирлари
ва умумий оқватланиш кор-
хонаси директорлари бир кун
олдин заводга керакли миқ-
дордаги махсулотлар учун
буюртмалар беришса ва

Саратон кунларида...

машинани зўрға ажратиш-
ди. Қарангки, биз эрта билан
соат 8 да иш бошлаймиз,
натигада уч соат вақтимиз
бекорга ўтаётди. 3-автоком-
бинат (директори Ж. Хожик-
беков) мутасадди раҳбарла-
ри графикадаги машиналари
эрта билан ўз вақтида юбо-
ришни қатъий ҳал этишля-
ри керак. Шунда шаҳар
ичимликлари турли жойлардаги
бочкалар заводга тез йи-
ғиштириб келиниб, квас ва
шарбатли ичимликлар аҳо-
лига мундарида етказиб бе-
рилади.

Шуни ҳам айтиш керак-
ки, квас, олма ва нок шар-
батларини сотишда харидор-
лар талаби ҳам яхши ўрга-
нишмайди. Бунга биз қўйиш
қилишда савдо шохобчалари
вакиллари билан суҳбатлаш-
ганимизда шохид бўлди.

— Мен Чорсу майдонида
чанқовбосди ичимликлар со-
таман, — дейди Р. Абдуллае-
ва. — Тўғрисики айтишим
керак, квасга нисбатан нок
ва олмадан тайёрланган
шарбатларни қўрандалар ях-
ши кўришади, квас эса тез
сотишмайди, баъзан ачиб

— Корхонамиз шийша
етишмаётганини сабабиди
белгиланган миқдордаги ли-
монадларни ишлаб чиқара
олмайди, — деб вақ айти-
ди завод директори И. Абду-
рахмонов, — ишчилар етиш-
маётгани сабабиди биз
РСФСР ва Қозғоғистон рес-
публикасида шу йилнинг
1 кварталда 12 вагон — 1
миллион (0,33 ҳажмли) ший-
ша идиш олишга мажбур
бўлдик. Нима қилайлик, шун-
да ҳам етишмаётди.

— Корхонада шийша идиш-
лар сақлаш учун бўш май-
донлар борми?

— Бўш ерининг ўзи йўқ, —
дейди завод директори, —
Корхона территориясидаги
майдонда беш минг тонна ший-
ша сақлаш мумкин. Бўш иш-
чалар пешма-пеш махсулот
билан тўлдириб чиқарилади.

Фактлар шуни кўрсатади,
ки «Ташкентливо» ишлаб
чиқариш бирлашмаси ўзин-
инг шийша сақлайдиган кенг
омборхонасига эга эмас. Ё-
дан ташқари фасиларда бир-
лашмада йиғилиб қоладиган
шийша идишлар кенг омбор-
хоналарда йиғилганча тўплан-

олиш зонасини олайлик. Бу
ердаги биронга газ-сув сота-
диган киёна ишламаёт-
тир. «Ягдоқ» сув дўконига
ҳам аҳвол худди шунча.
Бу ерда санитария нормала-
рига мувофиқ эътибор бе-
рилмайди, холодильник ҳам
ишламайди. Алиев кўчаси-
даги Ҳамза райпичеторги-
га қарашли 17-қисқада ҳам
аҳвол қониқарсиз деб топил-
ди. Бу ерда ҳалигача ре-
монт ишлари бажарилмаган.
Квас ва шарбатли ичимлик-
лар учун мосланган бочка-
лар талабга жавоб беради-
ган аҳволда эмас.

Рейдими иштирокчилари
шаҳримизнинг қайси ерида
булишмасин, ёзининг иссиқ
кунларида аҳоли энг гавжум
бўладиган жойларга ўрнати-
ладиган бир қанча киёна ва
сув сотадиган автоматлар
ишламаётганини кўришди.

Акмал Икромов райпиче-
торгига қарашли 13 ва 14-
сув сотиш киёналарига ста-
наларни ювадиган шпирц
қилишмайди. Ўқибди. Ок-
тябрь районининг Абай кўча-
сидаги 14-поликлиника ол-
дида, Ленин районининг Са-

рикул ва Ленинград кўчалар-
идаги газ-сув автоматлари
мушқор ишламай турибди.
Бешоғор бозори ҳар кун
гавжум бўлади. Бозорнинг
кираверушидаги автоматлар-
нинг савлат тўкиб туриши,
умуман бозор территорияси-
даги биронга автомат ишла-
маслиги кишиларни ранжити-
моқда. Бундай манзарани
Чилонзор райпичеторгига
қарашли бир қанча магазин-
лар иҳтиёридаги Қаторгол,
Мукимий, Чилонзор кўчалар-
ида ўрнатилган газ-сув со-
тадиган автоматларда ҳам
кўришди.

Кўнчилиқ ҳамшаҳарлари-
миз пул майдалайдиган ав-
томатлар ишидан ҳам норо-
зи эканлигини билдирши-
моқда. Чунки бундай авто-
матларнинг қўнчилиғи ишла-
майди, худди шундай авто-
матлар ёнида эса тоғин урса
талқон қилиб юборадиган
азаматлар тийнларини ўй-
лаб, пул майдалаб ўтири-
шибди.

Собир Раҳимов ва Киров
райпичеторгига қарашли 10
та магазинда бўлганимизда
беш-олтита «Тошкент
минерал суви», лимонадлар
йўқлиги маълум бўлди. Ёз
саратонида савдо шохобча-
ларида чанқовбосди ичимлик-
лар етарли миқдорда бўл-
маслиги харидорларнинг
ўринли эътирозларига сабаб
бўлмоқда.

Рейд натижалари алкоғол-
сиз ичимликларни ишлаб чи-
қариш ва савдо шохобча-
лари белгиланган миқдорда
етказиб бериш ёмон аҳволда
ёмонлигини кўрсатди. Иш-
лайдиган имконият қиди-
ради, ишламайдиган — ба-
ҳона, деганларидек мутасад-
ди ташкилотлар барча имко-
ниятларни ишга солиб, ҳам-
шаҳарларимизни ёзининг
иссиқ кунларида чанқовбос-
ди ичимликлар билан тўла
таъминлашга эришишлари
керак.

3. САМИГУЛИН,
Тошкент шаҳар халқ кон-
троли комитетининг бўлим
мудри.

А. АРАКЕЛОВ,
Тошкент шаҳар халқ кон-
троли комитетининг штат-
сиз инспектори.

Б. БОЖИХОНОВ,
Тошкент шаҳар санита-
рия-эпидемиология стан-
цияси боп врачининг ўрин-
босари.

С. МАХМУДОВА,
Тошкент шаҳар санитария-
эпидемиология станцияси-
нинг врач.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Тошкент окшоми» мах-
сус мухбири.

Пукма

«Тошкент окшоми»га
жавоб берадилар

Справка хангомаси

Дейлик, болангизни бог-
чага жойламоқчи экми кредит-
чага магазиндан рангли телеви-
зор сотиб олмоқчисиз. Бўш
вақтингизни топиб ҳужжатлар-
ни расмийлаштиридингиз. Те-
гишли идора экми савдо шох-
обчасига уларни элтиб ҳам
бердингиз. Бунинг қаранг, турар
жойдан справка олиш эсдан
чиқибди-ку.

Мен ақинда худди шундай
справка олиш учун Тошкент
шаҳар «Октябрь» турар-жой
курлиш кооперативни бошқар-
маси идорасига бордим. Бух-
галтер мақсудини эшитган:
— Бутун бизда справка бе-
риладиган кун эмас, графич-
ка қарадингизми! — деб сўра-
ди.

— Қарадим. Графичлар иш
вақтинда тўғри келар экан.
Шу десангиз, ишдан бир соат-
га жавоб сўраб келган эдим.
Илтимос...

Бухгалтер эриқчилик билан
коммунал хизматлар учун ту-
ловлар дафтарини арақлаб

кўрди. Ишлар жойида. Юз
ойининг ҳисоб-китоби ҳам ўз
вақтида бўлган.

— Мана бу справка учун
рухсат қоғози, А. Маннопов-
нинг секретарига ўрашининг.
Котиба қиз Л. Насриддинова
кондиционер салқинда алла-
ка билан гап сотарди. Гап-
нинг белгига тепганим унга
ёқмади. У ҳам бухгалтернинг
гапини такрорлаб, терс ўғир-
либ олди. Эмишким белгилан-
ган графич кунлари келмаган
ҳар қандай гражданига справка
бермаслиги, аризаси қабул қи-
лимаслиги керак экми. Бу
бошқарма бошлиғи А. Манно-
повнинг кўрсатмаси экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш ло-
зимки, ҳозир магазин, маъши
хизмат кўрсатиш тармоқлари,
СССР жамағармалари банки фи-
лиалларининг тушун танавфу-
си, умуман уларнинг иш гра-
фиги меҳнаткашларнинг иш
сменасидан олдин бошланиб,
кеч тугайди.
«Октябрь» турар жой қури-

лмаси кооператив уйлар бош-
қармаси идораси маъмурият
справка олиш, ҳисобда турши
учун келган гражданиларни қа-
бул қилишни ҳафтаининг уч
кунига белгиланган. Ахир, ста-
ноқ олдидаги ишчи справка
олиш экми унинг ремонт қилиш
ҳақидаги аризини топириш
учун қай пайтда қабулга кел-
сини! Иш пайтдаги! Меҳнат
сменасидан сўнгими! Менинг
фирмама коммунал ва коопе-
ратив уйларни эксплуатация
қилиш бошқармасида банд бўл-
ган ходимларнинг штатини кў-
риб чиқиш пайти аллақачон
келган. Чунки иш билан идора-
да мунтазам банд бўлмаслиқ
ходимини даянса — ва лоқайд
қилиб қўяди. Бундай илпатлар
эса одами буюроқратлик бот-
қоғига судрайди. В. И. Ленин
таъкидлаганидек, хизматчилар-
нинг сонини камайтириш... хо-
димларнинг сифатини ҳам, ба-
рача ишларнинг сифатини ҳам
анча яхшилайд.

Зокир ХАЙДАРОВ.

«Хафа бўлманг, отахон...»

Газетамизнинг шу йил 20 май сониде юқоридаги сарлавҳа
остиде босилган танқидий мақолада «Шаршара» лагмонхона-
сида руй бераётган камчиликлар қайда эйтиб ўтилган эди. Ре-
дакция ана шу мақолага Фрунзе район ошхоналар трестини
қўйидаги мазмунда жавоб олди:

Мақола трест маъмурият
билан ўтказилган йиғилишда
ошхона раҳбарлари ва барча
чойхоначилар иштирокда му-
ҳокама қилинди. Трест хиз-
матчилари томонидан район-
даги барча чойхоналарда тек-
ширув ўтказилди. Текширув
вақтидаги камчиликларини йў-
қотиш тадбирлари белгиланди,
барча чойхоналар прейску-
рант ва «Шикот» ва тақфир-
лар» дафтери билан таъмин-
ланди. Совет савдо қондсини буз-

маслик, хизмат кўрсатиш ма-
данлатини ошриш ва санитария
қондаларига риоя қилиш бўйи-
ча семинар-йиғилиш ўтказилди.
6-ошхонага қарашли «Шар-
шара» чойхонасининг чойхона-
чиси Б. Азимова трест бўйича
чиқарилган буюрқ бўйича қат-
ти хайфсан берилди ва у май-
ойи муқофотининг 50 процен-
тидан маҳрум этилди.
Ана шундай фактлар ана
такрорланмаслиги учун трест
маъмурияти томонидан нора-
тадбирлар белгиланди.

Объективда—Болгария



Курорт мавсуми айна қизиган пайтда
мамлакатнинг турли бурчакларидан минг-
лаб туристлар ноёб архитектураси билан
танишиб, кўҳна қалъа девори тошларини
ўз қўллари билан ушлаб қўриш, бетакор
манзараларини томоша қилиш, бандаргоҳ-
даги тўқинларда чайқалиб турган яху-
лар, балиқчиларнинг баркаслари, қайиқлар

олдида суратга тушиш учун Болгариянинг
қора денгиз соҳилдаги Несебир музей-
шаҳрига саяхатга келадилар.
СУРАТДА: Несебир чор-атрофдан мовий
денгиз билан ўралган бўлиб, торғина куруқ-
лик уни қитъа билан боғлаб туради, ша-
ҳарнинг ўзи эса улкан кемани эслатади.
А. Смирнов фотоси.

СОАТ БИЛАН
МУЛОҚОТ

Тугмасини боссангиз
«жовли овоз» билан вақт
қанча бўлганини маълум
қиладиган соатлар ҳозир
ҳеч кимни ажаблантирмай-
ди. Бу айтилиб эмас.
Яқинда Япониянинг «Си-
тизен» фирмаси ишлаб
чиқара бошлаган соатлар-
ни эса янгилан деса бўла-
ди. Бу соат гапирибгина
қолмай, озганки фармо-
ишларини ҳам тушунади.
Этасининг фармоишини
биноа мазкур электрон
соат вақт неча бўлганини
овоз чиқариб айта олади,
ҳатто бошқа кенгликлар-
даги вақтни ҳам айтиши
мумкин. Айни вақтда соат
олдиндан хотирраси қи-
ритилган 16 тага қадар
телефон номерларини эс-

латиб туради. Янги қўл
соати ҳаммаси бўлиб 31
фармоишини бажара
олади. Соат ўз эгасининг
овозини бошқа кишининг
овозидан фарқлай олади.

Бунинг учун даставвал
ҳар бир команда икки ма-
ротоба такрорланиши ке-
рак. Ана шундан сўнг
электрон қурилма бошқа
овозларга мувофиқ эъти-
бор беради.

РЕКЛАМА ҚИЛАМАН
ДЕБ...

Американин Калифор-
ния штатидан Калвер
шаҳри реклама агентлиги
нархи 20.000 доллар ба-
ҳоланган бриллиант мар-
жонини чиройлигина қу-
чукча хизматидан фойда-
ланиб реклама қилишга
қарор қилган экан. Аммо
кинога олиш группаси

КАЛЕЙДОСКОП

телевидение программа-
ларидан бири орқали транс-
ляция қилинадиган қўра-
тувга тайёргарлик билан
овора бўлган бир пайтда
Паддингтон лақабли ана шу
кучуқча ҳеч кимга сез-
дирайиш брллиант «бўйин-
боғ» билан студиядан
жуфтаниш роллаб қолди.
Беш соат давом этган
тинимсиз қидирувлардан
кейингига қочоқ қўчалар-
нинг биридан топилиди.
Ана шу воқеанинг шохиди
бўлган кишиларнинг гу-
воҳлик беришга қараганда,
шу беш соат ичида
реклама агентлигининг
эгаси уни йилга қариб қо-
лиди.

Совет Иттифоқи янгилликлари

Вильнюс. Дитва пойтахти очилган кўрғазма Чехословакия кишлоқ хўжалик техникасининг энг яхши намуналари билан таништирилади. Кўрғазма учун экспонатларини Совет Иттифоқининг аъло ишчи ширкати — «Мотоков» Чехословакия ташки савдо ташкилоти етказиб берди. Давлати йиғиштириб оладиган комбайнларнинг янги моделлари, чорвачилик фермалари учун комплекс ускуналар, ёрдамчи хўжаликлар учун ючтин тракторлар ва бошқа машиналар мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўрғазма қурилишида симпозиумлар бўлиб ўтади, илгор технологиларини қўллаш ва кишлоқ хўжалигини техниканинг энг янги намуналаридан фойдаланишга оид лекциялар ўқилади.

Фрунзе. Иссиқкўл бўйидаги Балиқчи виночилик совхоз-комбинатининг олдидини вино цехи ҳозир минерал сув ишлаб чиқармоқда. Қора-қоқ кишлоқдаги қайноқ сув булоғидан «Варбулок» минерал суви ишлаб чиқаришмоқда. Бу сув таркиби жиҳатидан Железноводскдаги «Машхур» «Славяновская» ва «Смирновская» сувига ўхшайди. Республика аҳолиси ва курорт зонаси меҳмонлариға манзур бўлган ана шу сувдан савдо тармоқларига йил охиригача ўн миллион ишшадан кўпроқ етказиб берилади. Ишшалаар сув қўйидаги иккинчи линия шугушланган, минерал сув ишлаб чиқариш икки бравар ишшалади.

Совет Гавани (Хабаровск ўлкаси), СССР Денгиз Флоти

Министрларга қарашли маҳаллий темир ремонтни заводи мутахассислари ташкил этган кооператив шахар телеателье-сининг катта рақобатчисига айланди. Корхонадан ижарага олинган бинода кечкурун иш сменасидан сўнг устахона очилади. Бу юртмачилар ремонт сифати яхшилигини тасдиқлади-лар. Кооператорлар ҳисобдан чиқариб ташланган узеллар ва деталлардан телевизорлар ва радиоприёмниклар, магнитофонларни стеинда текшириш учун аппаратлар ясади-лар. Бакариладиган ишлар нархи давлат маъиши хизмат корхоналарида кўзда тутилган преискуртандин юқори эмас.

Рязань. Медицина институтининг врачлари ва олим-лари Рязанда очилган «Пульс» кўп профилли кооператив поликлиникада беморларни қабул қилмоқдалар. Истаган ки-ши маълум ҳаёт ўзига ма-лакани масаллаҳат ва тиббий ёрдам олади. Медицина поли-клиникада замонавий диагностика ускуналаридан фойдаланишмо-қдалар. Кооперативда янги ора-да мутахассис врачлар ва ме-дицина ҳамшираларининг бе-морлар уйига бориб хизмат кўрсатишларини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Ҳозир Рязань областида аҳолиға тур-ли хизмат кўрсатидиган юз-дан ортиқ кооператив ишлаб турибди. Маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг қў-чилиғи кооперацияни ривож-лантиришга фаол қўмаклаш-моқда.

(ТАСС).



Ташвишли сигнал

Яна ўша «хосиятсиз уй» ҳақида

МОСКВА. Барча ҳаракатларга қарамай май ойида М. А. Булгаков 1921 йилдан 1923 йилгача ишлаган квартирада, «Уста ва Маргарита» романида батафсил тасвирланган квартирада жамоатчилик музейи очилгани йўқ. Ваҳоланки М. А. Булгаков номи клуб аъзолари машхур квартиранинг ҳозирги эгаси — «Гипротекмонтан» раҳбарияти мадад бериши ҳақида келишиб олишган эди. Бу ерда афишалар, Булгаков пьесаларининг программалари, спектакллардан кўринишлар тасвир-ларнинг суратлар пайдо бўлган эди. Мукавалли расмол Виктор Прокофьев эса ташкил этилаётган музейга «Уста ва Маргарита» романига ишлаган иллюстрацияларини топширган эди. Ааммо...

Авария ҳолатидаги уй келиб-кетиётган эиератчиларға ба-зур бардош берапти. Бу ерға фақат қизиқувчиларига эмас, подьездни ўз янгиларини ўтказиш учун танлаган бир груп-па кунда-шунда ёшлар ҳам келиб туришади. Подьезд девор-ларини қизиб ташлаган, улар теварак атрофини бўғлаб, сўки-ишшади, ўзаро муносабатларини анкишашди. Бу билан улар гўёки, фантастик образларни яратган, ўзларини ана шу «хос-иятсиз квартираға жойлаштирган ёзувчиға ўз мухаббатла-рини нэхор этишяётган эмиш. Хувиллаб қолган квартира ва

кенг чордоқ ҳам ёзувчи истеъдоди «мухлисларининг йиғи-ладиган жойига айланган, бу ерда бир неча марта ёнгин чикди.

Мана шу чала бўшатилган уйда, машхум подьездда ёшлар мавзунда ёзувчи ва суратта олувчи журналистлар тез-тез бў-либ туришади. Чизиб ташланган подьезд бир неча марта телевидение программаларида кўрсатилди. Афсуски, ўзини истеъдоди ёзувчи иккунининг мухлислари деб атаётган, ус-танинг номини ниқоб қилиб, унинг хотирасини оёқ ости қи-лаётган, музейни ташкил этиш борасидаги ҳар қандай та-шаббусни чиппака чиқараётган ёшлар талқин этилди, холос.

Шу нарса аёикки, М. А. Булгаков номи билан қайроқчилик қилаётганларини унинг мухлислари сифатида қабул қилар эканамиз, ниҳоят «хосиятсиз квартира» тақдирини Москва ша-ҳар Советида ҳал этилмас экан, ёзувчи иккунининг чинакам мухлислари музей очилишиға ёрдам бериш иккунинингдан махрумдирлар. Зеро, Москвада ана шундай музейни очиш пайти келди, унга Булгаков истеъдодининг чинакам мухлис-ларига таширф буюрсин.

СУРАТЛАРДА: В. В. Вересаевнинг адабий мероси бўйича комиссия масъул секретари Е. А. Зайончковский [қанда],



М. А. Булгаков номидаги жамоатчилик клуби советининг аъ-зоси А. А. Куррушин [ўртада] ва мухлислар ёзувчи ишлаган квартирада, бу ерға кўппаб одамлар таширф буюради, подь-ездни эса шу уйда истиқомат қилувчилар ва М. А. Булгаков номидаги жамоатчилик клуби аъзолари тозалашди, холос; бу сафар «Уста ва Маргарита» романидаги воқеалар бошла-надиган скаямака олдига ўзини «хиппи» деб атовчи ёшлар ҳозир бўлишди. М. А. Булгаков жамоатчилик музейини ташкил этиш гоёсига уларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

А. ШОГИН,

Автор фотолари. ТАСС фотокорреспондентлари.

Фан ва техника янгилликлари

Янги туркумдаги ТЕЗЛАТГИЧЛАР

Совет физикларининг илмий соҳадаги изланишлари катта муваффақият келтирди. СССР Давлат кешифлари рўйхатига СССР Атом энергиясидан фой-даланиш давлат комитети Не-зарий ва экспериментал физи-ке институтини ҳамда Юсук энергия физикаси институти олимларининг кашфети эзиб қўйилди.

Улар илгари маълум бўлма-ган ҳодисани — узгарувчан электр майдонидан бир турда-ги нур тарали ўқи бўйлаб мусбат зарчалар таралининг түпланиши ҳодисасини аниқ-ладилар. Бу ҳодисадан «Ала-лиетда фойдаланиш катта аҳамиятга эға. Жуда катта қуд-ратли узлуксиз протон ва дей-трон оқимларининг ҳамда оғир ионларнинг линия тез-латтигиларини яратиш учун ис-тиқболли йўл очилди. Бундай физик қурилмалар атом электр станциялари учун ядро «ки-ли-гис» тайёрлашнинг электр-икониятини беради, термояд-ре реакторларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган радиаци-он материалшунослигини рив-ожлантиришға қўмаклашади.

Амаллиёт янги авлоддаги тез-латтигиларнинг нодир хусуси-ятларини тасдиқлади. СССРда ва чет элларда эллиқдан ор-тиқ ана шундай қурилма бар-по этилди. Дунёдаги ўн бешта илмий марказда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзо-си В. В. Владимировский, техни-ка фанлари докторлари И. М. Капчинский ва В. А. Телляков кашфетиладан фойдаланиб тадқиқотлар ўтказилмоқда.

«КИЧКИНТОЙ» КЕМАЛАР

Приморье денгиз пароходчи-лиги нефть қўйиладиган флот-ига келиб қўйилган янги то-микер шактёрлар шахри номи билан аталди. Кўп эмас, атиги 2 минг тонна оқ кўтерадиган чоргоқ «Партизаник» кичкин-той» кемалар туркумидан би-ринчиси бўлди. Унинг сузиш райони чекланмаган. Шу ти-падаги кемалар ҳозирги беш йиллик мобайнида катта-катта океан транспортларидан ар-қили шакрий сектори кирго-ғига нефть элтувчи «умрини ўтаб бўлган» кемалар ўрнини олади. Беш йиллик охиригача пароходчилик яна тўққизта шундай танкер олади. Фин-ляндиянинг «Раума-Реполан» ке-масозлиқ ширкати шу кема-ларни Узок фарқликларға ет-казиб беради.

ВЕТЕРИНАРЛАР ҚЎМАКЧИСИ

Каунадаги «Санитас» тажри-ба заводи ишлаб чиқара бош-лаган янги препарат — эро-патин қорамол ва чўчкани да-волашда ветеринарларға пухта қўмакчи бўлиб қолди. Препе-ратни Литва чорвачилик вете-ринерия илмий-тадқиқот ин-ститутининг мутахассислари яратдилар. Республика ферма-ларида ўтказилган бир қанча тажрибалар эропатини меъда ва ичак касаллиқларини даво-лашда самарали восита экан-лигини тасдиқлади. Шу йил «Санитас» икки миллионгача янги препарат тайёрлаб чиқа-ради.

«Қаҳратон қиш эди ўшанда...»

1941 йилнинг июль ойида Рауф Абдуллаев ҳам Ватан ҳимоясига отланди. Унинг жанговар фаолияти 44-кавале-рий дивизиясини ихтиёрдаги 35-бронетанк дивизиони ме-дицина хизмати бошлиғи лавозинидан бошланди.

У хизмат қилаётган бўли-ма ўша вақтларда қўшин Эрон давлати территориясига вақтинча кичиртилган бўлиб, махсус топшириқни бажарар эди. Кўп ўтмай, 1941 йил-нинг ноябрь ойида бўлима Гарбий фронт ихтиёриға ўт-казилди. — Қаҳратон қиш эди ўшанда, — дей оилади Рауф Абдуллаев, — ёш Солнеч-ногорск, Крюково, Клин рай-онларида жангларда қат-нашардик. Душман кўп қўр-бонлар бериб чекинишға мажбур бўлди. Овоз қилинган вайрона Фирсановка кишлоғидан ўтиб кетаётсан, ёниқ кўл бўлган уй олдига оёқларига чориг боғлаб, устиға қават-қават жўлдур қийим қийган, соч-лари оқ, озгин аёл турарди. — Ҳа онажон, бу ерда бир ўзингиз нима қилиб тури-сиз? Қолганлар қани? — сўрадик ундан.

Кейин билсан у 12—13 ёшлардаги қиз бола экан. Бундан 2—3 кун олдин га-зандалар унинг кекса ота-онаси, иккита опаси ва бит-та укасини ҳаммомға қамаб, устларидан лампа мойи қў-йиб, ёқиб кетишибди. Қиз бўлса қандайдир бир тасодиф билан омон қолибди. Шун-дан кейин сочлари ҳам бир зумда оқариб кетибди. Қон-хўрларнинг ёвузликларини кўриб, тепа сочимиз тик бўл-ди, уларға бўлган қаҳр-ға-забимиз янада ошди. Ёнган шаҳар, кишлоқларимиз, қий-ноқларда жон берган ватан-дошларимиз учун каллаке-сарлардан ўч олишға қаттиқ аҳд қилдик.

1941 йилнинг охири, янги йил арафасида бизнинг ди-визията Йўлдош Охунбоев бошчилиғидаги Ўзбекистон делегацияси совға-салом олиб келгани ҳам сира эсимдан чиқмади.

Аёвсиз жанглардан сўнг 1942 йилнинг апрель ойида Рауф Абдуллаев Гарбий фронтнинг 757-санитария летучкасига бошлиқ этиб тайинланди. Унинг вазифа-си эвакуация қилиниши ке-рак бўлган ярадор ва бемор-ларни вагонларға жойлаш-тириб, темир йўл орқали фронт ортиға қайтаришдан иборат эди.

Ўша йилнинг сентябрь

ойида минглаб ярадор ва беморларни фронт ичкари-сига олиб кетаётган катта эше-лонга душман ҳаводан ҳуж-ум қилди. Натижада бир қанча ярадорлар ағдарилди, ўнлаб ярадорлар ҳаётдан кўз юмиди. Оғир жараҳат-ланганлар ичиде Рауф Аб-дуллаев ҳам бор эди. Уни Москвадаги 5004-эвакуацион госпиталға келтирилиб, узоқ даволашди. 1943 йилнинг январь ойида госпиталдан соғайиб қичқач ҳарбий врач-лар комиссиясининг наорига-га биноан уни хизматға чега-раланган равишда лойиқ деб топилиди. Сўнгра у Москва Ҳарбий округидаги госпитал-ларининг бирида ишлай бошлади.

Соёиқ жангчи, Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Рауф Абдуллаев фақат иттифоққа эмас, балки жаҳонға танил-ган олимлардан биридир. Унинг 120 дан ортиқ илмий мақолалари, 5 та моногра-фияси шифокорларнинг кун-далин амалий қўлланмасига айланиб қолган. У ички касаллиқлар бўйича Деҳли (1970), Афина (1978) да бў-либ ўтган Халқаро анкуман-ларда илмий қўмандлар қилган.

Жангҳоҳларда минг-мин-глаб ярадор ва беморларнинг дардиға малҳам бўлган Рауф ака ҳозирги вақтда респу-блика терапевтлари илмий жамиятининг раиси, Тошкент шаҳар Қўйишче район «Бил-ми» жамияти раисининг ўринбосари. Бундан ташқа-ри у Ўзбекистон ССР Соғи-лиқни сақлаш министрлиги илмий медицина кенашчи-сини ҳайат аъзоси, Бутун-иттифоқ ва республика тера-певтлари илмий жамияти правлениси, Бутуниттифоқ кардиологлар илмий жамия-ти ҳамда «Терапевтический архив» — журналининг тахир ҳайъати аъзоси сифатида катта жамоатчилик ишларини ҳам олиб борапти.

Унинг раҳбарлиғида икки-та докторлик, 20 та канди-датлик диссертацияси ёқлан-ди.

У ҳамон жанговар сафда. Искандар РАХМОНОВ, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси.

Пашани йўқотинг

Хашаротлар орасида энг за-рарлиси паша ҳисобланади. Пашалар аҳоли яшайдиган жойларда органик моддалар, чиритан йиғиндиларда ҳар қил қаттиқ ва суяқ чинқидилар билан оватилган, шу ерда ту-хум қўйиб ютади. Улар 30 кун яшайди, шу даврда 5—6 марта тухум қўйишға улгура-ди.

Пашалар ўз чинқидилари билан озин-овнатларини ифлос-лантиради. Шу билан бирга, ахлатхоналар, чинқиди түпла-надиган жойларда ўз қаноти, оёқлари билан қўйишча юкум-ли касаллик таркатувчи мик-робларни яшатириб озин-ов-нат маҳсулотларини зарарла-ди. Масалан, юкумли ичак ка-саллиқларини (дисентерия, қор-ин тифи ва паратиф), шу-нингдек гижка тухумларини, полиомеяли вирусларини, сиз, кўз конъюнктивини ва бошқа ка-саллиқларини тарқалишға сабабчи бўлади.

Пашалар кўпаймаслиғи учун профилактик чора-тадбир-ларни домий олиб бориш катта аҳамиятга эға. Бунинг учун турар жойларни, хонадон-ларни чинқидилардан ўз вақ-тида тозалаш тадбирларини амалға ошириш лозим. Айниқ-са хонадонларни, ошхоналар-дан озин-овнат чинқидилари ўз вақтида олиб кетилиши, чинқиди сақланмаган идиш-ларни мунтазам равишда илқ-сув билан тозалаш ювиб, усти-бери ҳолда бўлишға аҳамият бериш керак.

Канализация билан таъмин-ланмаган ҳожатхоналарнинг эшик ва туйунларини яхши ёпи-лишға этиббор бериш, ҳар қун қайноқ сув билан ювиб турини лозим. Айниқса хўжа-ликларда уй ҳайвонлари ва паррандалар боқиладиган жой-ларни ҳар кун мунтазам ра-вишда гўн ва чинқидилардан тозалаш, уларни махсус ўра-

ларда (компостерлаш) усти бери-ҳолда чиритиш шарт.

Пашалар хоналарға кирмас-лиғи учун деразаларға темир сетка, дона пардалар, тутти-тешичалар қолдирмай маҳкам бекитилди. Уйға кириб қол-ган пашаларни йўқотиш учун механик усуллардан: ёпишқоқ қорғоз (мухолов), шипалар, яъни мухобойнадан фойдаланиш мумкин. Шунингдек захарли хўрақлар қўлланилади, бун-да хлорофос таблеткаси му-ҳомордан (картон қорғоз 10х10 сантиметрда, бунин хлорофос эритмасида шимдирилади) 1 қўшқиқ техник хлорофос 1 литр сувда эритилди ва озги-на қанд қўшилди. Мухомори қорғоз линобаларға жойлашти-рилоб хоналарға, ошхоналарға, яъни пашалар түпланадиган жойларға қўйилди, бунда ёш болаларнинг бўйи етмайдиган бўлиш шарт. Бундай хўра-қларни 2—3 ҳафтада ўзгар-тирилиб, қирилган пашалар

У. СМОНОВ, Тошкент шаҳар дезинфекци-станциясининг бош врачи. А. ИСОҚОВ, мутахассис-эпидемиолог.



Шаҳримизнинг Ленин районидеги 4-туғруқхонада кўзн ёри-ган аёллар қисқа вақт ичиде сидат-саломатлиғини тиклаш, чақалоқлар соғлом ривожланиб, куч-қувватға түлиши учун барча шароитлар яратилган. 1954 йилда ишға тушган саломат-лик маскани энг замонавий медицина ускуналари билан жи-ҳозланиб борапти. Бу ерда кўппаб қўли енгил, ўз касбига меҳр қўйган мутахассислар меҳнат қилишади.

Кўн кеча туғруқхонада «Ўз касбининг устаси» конкурс бўлиб ўтди. Ҳамширалар медицина, адабиёт ва санъатта онд саволларға жавоб қайтариб, ўз амалий қўникмаларини намо-йиш этдилар. Беш бўлимдан ташкил топган касб беллашувда 170 нафар ҳамшира иштирок этди.

Конкурсда реанимация бўлими ҳамшираси Татьяна Лугов-цева, акушерлардан Татьяна Мешлокова, Алина Абрамовалар голиб чиқиб, қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

СУРАТЛАРДА: «Ўз касбининг устаси» конкурсидан лавқа-лар.

Б. Натанов фотолари.

«САЛОМАТЛИК» КЛУБИ

Шифобахш ўтлар

Шамоллаб қолиб, ўзини ёмон ҳис қилган беморға шифо-бахш ўтларнинг давлмаси ва қайнатмасини ичкини қадим за-монлардеқ тасвия этганлар.

ЛИПА ГУЛИ одамни жуда яхши терлатади. Липа гули таркибиде бўладиган биологик актив моддалар [ошловчи ва бўёвчи моддалар, эфир мойи, витаминлар, углеводлар] тер ишлаб чиқаришни кучайтира-ди, қон томирларини кенгайти-ради.

Липа ўсимлигининг қуритил-ган гулидан кетириб чой қўйиб олиб, бир стакан қайноқ сувда давланади. Бир оз тиниб турсин, сўнг доқада сузинг. Кечкурун ухлаш олдидан ис-сиқ ичмалади.

ҚОРАҚАТ [русча—чёрная бузина] ҳам ичкини яхши терлатади. Давлама тайёрлаш учун қуритилган гулидан бир

чой қўйиб олиб, бир стакан қайноқ сувда давланади, 20 минут қўйиб қўйилади, доқада сузиб, иссиқлиғида ичмалади.

Липа гули ва қорақат гулидан тенг миқдорда [бир стакан сувға икки ош қўйиб аралаш-ма] солиб, паст оловда 5—10 минут қайнатилади, доқада сузилди, иссиқлиғида ичмалади.

Қорақат гули одамни терла-тишдан ташқари микробларға ва яллиғланишға қарши ҳам таъсир кўрсатади. Давламаси ва экстракти гевгалиция учун, юқори нафас йўллари шамол-лаганда озгини чайиш учун ишлатилади.

МАЛИНАНИ қадим замон-лардан бери шамоллаганда ишлатишади. Малина меваси-

да органик кислоталар, вита-минлар, қанд кўп бўлади. Мева қоқиси яллиғланишға қарши таъсир этади, иситмани тушира-ди, ичкини терлатади.

Давлама тайёрлаш учун икки ош қўйиб малина қоқига бир стакан қайноқ сув қўйинг ва 15—20 минут тиниб қўйинг, сўнгра доқада сузинг. Кечкурун ухлаш олдидан иссиқлиға ичмалади. Агар кундуз кунин уйдан ташқарида чиқмайдиган бўл-сангиз, бундай чойни кундуз 2-3 маҳал ичиш мумкин.

ВИТАМИНЛИ ЧОЙ ҳам жуда фойдали. Бундай чой ор-ганизмни мустаҳкамлайди. Ви-таминли чой учун наъямат, малина ва смородинадан тенг миқдорда олинда. Икки ош қў-йиб аралашмани қопқоқли-дишге солиб, устиға бир ста-кан қайноқ суз қўйинг, қопқоқ-ни ёпиб, бир мунча вақт қў-

йиб қўйинг. Шундан сўнг до-қада сузинг. Таъбға қараб қанд ёки асал солиб, ярим стакан-дан кунига икки маҳал ичинг.

ТОҒЖАМБИЛ хушбўй ўсимлик, таркибиде эфир мойи бўлиб, бу эфир мойида микробға қарши моддалар — тимол, шунингдек аччиқ, бўёв-чи ва ошловчи моддалар, смо-лалар, минерал тузлар бор. Тоғжамбил ўти дезинфекция-ловчи ва тинчлантирувчи ху-сусиятга эға.

Тоғжамбил қайнатмаси ва суяқ экстрактини юқори нафас йўллари касаллиқларида, брон-хитларда балғам қўчирувчи ва оғриқ қолдирадиган воси-та сифатида ишлатилади. Тоғ-жамбил экстракти йўтал дори таблеткаси — пертуссина тар-кибига кириди.

Мазфрат ОРИФЖОНОВА тайёрлаган.

Операция йўли билан

Тошкентда юрак қон томир-лари операция қилина бошлади. Эндиклида «Урта Осиёда кардиокirurgиянинг юрак ишемия хасталигини даволаш билан шуғулланувчи ёш соҳа-си — юрак қон томир хирур-гиясига пайдо бўлди, дейиш мумкин. Маълумки, бу хаста-лик кўп тарқалган бўлиб, 40—59 ёшдаги эркаклар ўлими са-баблари орасида биринчи ўринда туради.

Бу хасталик юрак мускул-ларини қон билан таъминлов-чи томирларнинг торайиши [миокард] туйғулли вужудға келади. Атеросклерозда томир наин торади, қон тобора ривожланади, шундан сўнг қон айланиш бузилиши оқи-батиде инфаркт — миокард участкасининг жонсизланиш-ға, даҳшатли иллат вужудға ке-либ, кўпича бемор нобуд бў-лишига олиб келади.

Хирурглар «оқ қолаётгани юрак мускулларига қон кели-шини тиклашни ўрганиб олди-лар. Беморнинг оёғидан бир булак вена томири олиниб, юрак қон томирининг шикаст-ланган қисми алмаштирилади. Операция чоғида одамнинг юраги тўхтатиб қўйилади, унинг ўрнига суний қон айланиш аппарати ишлаб туради.

Бу операция хирурглар, анес-тезиологлар, реаниматолог-лар, терапевтлар, рентгеноло-глардан иборат бутун бир бри-гада уюшиб ишлашнинг тақо-зо этади. Тошкентда, Бутунит-тифоқ хирургия илмий мар-казининг филиалда шундай бригада ишлаб турибди. Мар-казға Ўзбекистон Фанлар ака-демиясининг академиги В. В. Вохидов раҳбарлик қилмоқда.

Бу врачлар Москвада СССР Медицина фанлар академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий марказининг юрак қон томир хирургияси бўлимида таълим олиб қайтганлар. Медицина фанлари доктори Б. Гамбар-рин, медицина фанлари кан-дидати Ю. Андреев, анестезио-логлар Г. Меносиц ва И. Павловский, реаниматолог Н. Мавлонова машхур кардио-хирург, профессор Б. Шабал-жин раҳбарлиғида махсус тай-ёргарликдан ўтдилар.

Операция қилинган бемор-ларнинг ҳаммаси ўзларини яхши ҳис этмоқда, юрак хас-таллиқидан қўтулиб бемалол ҳаракат қилмоқда. Уларнинг баъзилари кунига 150 тағача нитроглицерин таблеткасини истеъмол қиларди.

Мамлакатимизнинг бошқа районлари сингари Ўзбеки-стонда ҳам ишемия ва стено-кардия хасталиғиға қалинган-лар анчагина. Ҳўш, шундай даволаш курсидан қандай ўтса бўлади! Бунинг учун кардио-граммани ҳамда медицина кар-тасидан кўчирмани олиб, Бу-туниттифоқ хирургия илмий маркази Тошкент филиалининг консультатив поликлиникасига [Фарҳод кўчаси, 10] бориш керак. Марказ медалир бем-орини текшириб, шундай опе-рация зарур ёки зарур эмас-лигини ҳал қилдилар. Башар-ти, операция қилиш зарур деб топилса, бемор филмал кли-никасига ётқизилади.

Д. ЧЕРНОВ, [ЎТАГ].

Келинг, бир қилишайлик

Хандалар

ЭСДАЛИК

Машхур асаб касаллиқлари врач, профессор Штайнд-фельдинг хузуриға бир бе-морин олиб келишди. Унинг айтишча, қаёққа қарамасин кўзи олдига оппоқ сичқонлар юрармиш. Аҳвол шундай қи-йиқ, лекин қандай қилиб бўл-са-да беморға ёрдам бериш керак эди. Профессор ўйлаб-ўйлаб жуда кўпдан бери пи-шитиб юрган методини иш-га солди ва саниқс ҳафта даво-мида беморни даволади. Тажрибаси муваффақиятли чиқганиға профессор жуда ишонган эди.

РЕКЛАМА
ВА ЭЪЛОНЛАР
Ўқишга марҳамат!
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИЛАРИ
1988-1989 йилда ишга тушиб
КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
3-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИДА ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛАР
ТАЙЕРЛАНАДИ:

сановат асбоб-ускуналарини ремонт қилишга, механика-йиғув ишлари, электр-газ пайвандчи, фрезерчи, электр монтер (электр монтажчи), кенг профилдаги станокчи, техника назорати бўлимининг контролери, прессловчи-штампловкачи, машиналик-контакт пайванд бўйича электр пайвандчи, соғлиқни яхшилатиш билан бошқариладиган станокларнинг оператори.

Ўқим муздати — 1-3 йил.
ЎҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛГАН ПИГИТ-ҚИЗЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик таълим группаларини тамомлаган ўқувчиларга ўрта хуна-техника билим юртини тугатганини ҳақида диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар ўқим даврида 3 маҳал овқат, бепул уст-бош ва коржомалар билан таъминланадилар. 10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бошқа шахарлардан келганларга секция типидagi ётоқхонадан жой берилади.

Ўқим даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини тамомлаб чиққан ўқувчилар «Ташселим» заводига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга ҳукумат қарорига биноан билим юртини тамомлаганда кейинги мажбурий иш стажисиз ўқишга кириш ҳуқуқи билан олий ўқув юртиларига йўллама берилади.

Билим юртида техника ижоди, бадий ҳаваскорлик, фото тўғараклари, спорт секциялари ишлаб турибди, билим даргоҳининг Чорвоқ посёлкаси районига ёғи дам олиш базаси мавжуд.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: ариза, тутилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, саломатлиги ҳақида справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см, ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, 1-йўл, 54-уй (21, 49-е автобусларнинг «3-СПТУ» бекети, 16, 89-автобусларнинг «Қасб қасалиқлари» институтини) бекети, метронинг «М. Горький» станциясидан ҳар икки соат 8.30 дан бошлаб билим юртининг хизмат автобуси қатнайди.

24-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА:

Ўзбек тилида ўқим учун: ошпаз, сановат моллари сотувчиси, озиқ-овқат моллари сотувчиси. Ўқим муздати — 1 йил.

Мева-сабзавот маҳсулотлари сотувчиси. Ўқим муздати — 8 ой.

Рус тилида ўқим учун: «ИНТЕРИСТ» ошпази (миллий ва чет эл таомларини тайёрлаш ўргатади), официант (чет тили ўқитилади). Ўқим муздати — 2 йил.

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР
ГРУППАСИГА:

Ўзбек тилида ўқим учун: ошпаз, қандолатчи, сановат моллари сотувчиси, озиқ-овқат моллари сотувчиси. Ўқим муздати — 3 йил.

Рус тилида ўқим учун: ошпаз, қандолатчи, сановат моллари сотувчиси. Ўқим муздати — 3 йил.

24-ўрта хуна-техника билим юрти Ўзбекистон ССР Савдо министрининг СССР Чет эл туризми давлат комитети, Ўзбекистон ССР Агротехно давлат комитети ва Чкалов номи аниация бирлашмасининг умумий оқват-лаши ва савдо корхоналарида, кафе, ресторани ва ошхоналарида ишлаш учун мутахассислар тайёрлайди.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумоти, 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирган ўқувчилар бепул овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар. Ўрта маълумот билан ўқишга кирган ўқувчилар эса 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар. Уларга ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади.

Ўқим даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртига ўрта маълумот билан кириб ўқишни битирганлар ихтисоси бўйича диплом, 8-синф ҳажмида маълумот билан кириб ўқишни битирганлар эса ағалла-ган ихтисоси ва ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар.

Билим юртини «аъло» баҳо билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига киришда имтиёزلарга эга бўладилар.

Билим юртида бадий ҳаваскорлик ва спорт секциялари мавжуд.

Киришга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, тутилганлик тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт), иш жойидан ёки мактабдан характеристика, турар жойидан справка, ота-онанинг иш жойидан справка, 086/У формадаги медицина справки, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, таржима ҳол.

Билим юрти адреси: 700114, Тошкент шаҳри, Қор районини, Юнусовд массиви, 18-квартал, 24-ўрта хуна-техника билим юрти (9, 167-автобусларнинг «27-мактаб»; 673, 8-автобусларнинг «17-квартал»; 112-скорий автобуснинг «Гвардейская кўчаси»; 83-автобуснинг «18-квартал» ва 609, 82-автобусларнинг «122-мактаб» бекатлари).

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Тошкент оқшоми» мухлисари тўртинчи саҳифанинг энг охирида бериб бориладиган газета ҳақидаги маълумотлардан бир нарсани пайкаган бўлсалар керак. Йил бошидан бери оқшомхонлар сафи яна саккиз мингдан зиёд-роққа кўпайди. Ҳозир газета 108.220 нусхада босилмоқда. Газетхонлар хоҳлаган газетала-рига йилнинг истаган ойдаюна обуна бўлиш-лари мумкин. Масалан, август ойдан «Тош-кент оқшоми» газетаси уйингизга етказиб берилишини истагангиз июль ойининг 12-чис-лисигача обунани расмийлаштиришингиз ке-рак.

ҲУРМАТЛИ ОҚШОМХОНЛАР БАРЧА «СОЮЗПЕ-ЧАТЬ» АГЕНТИКЛАРИДА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИГА» 1989 ЙИЛГА ОБУНА КАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАНИЛИНИ СИЗЛАРГА ЭЪЛОТИБ ЎТАМИЗ.



Айни ёзда пайтида соя-салқин лагер бағрида дам олиш-га нима етсин! Ангрел шаҳридаги «Восход—2» пионер-лар лагерини ана шундай сўлим масканлардан биридир. Бу ерда пойтахтимиз меҳнаткашларининг ўғил-қизлари яйраб

Утган йилнинг октябры ойида ички ишлар органлари ходимлари Тош-кент шаҳрининг Сергели районидagi Сергели кўчаси 1-тупик, 17-уйда тинтув ўтказдилар. Қора дипломат нчидан бир талай ҳужжатлар чиқди. Улар республиканинг турли област ва шахарларида яшайдиган кишиларга тегишли эди. Ёқимланган аризалардан бири шундай бошланади: «Ўз-бекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, Совет Иттифоқи Қах-рамони, подполковник Ҳамроева Холида Абдуллаевнага Норова Зайнаб томонидан...»

Ўзбек хотин-қизлари орасидан кўп-кўп Социалистик Меҳнат Қах-рамонлари еттишиб чиққанини биламиз, лекин бу Совет Иттифоқи Қах-рамонлари қайқдан пайдо бўлди экан! Нега бу ҳақда ҳеч ким билмайди! Азиз газетхон, сизнинг «Бундай қахрамон умуман йўқ-ку!» демоқчи эканлигингизни сезиб турибмиз. Ҳа, жуда тўғри айтдингиз. Лекин ораин-да ким нима деса ишониб кетаверадиган лақмалар йўқми! Бизнинг бу фирибгаримиз худди ана шундай кишиларни туюққа туширган, узоқ вақт мобайнида нажот «маъбудаси» ролини ўйнаган.

Шундай қилиб, сохта «қахрамон» ва «подполковник» туюқига лақмалар то-бора кўпроқ тушарди...

Шаҳодатнинг қилишларини айтмас-сак, тонг отди, кун ботди—тамом бўл-майди. У сохта унволлар билан ўзини-ўзи «тақдирлаб», содда одамларни ла-қиллатди, уларни сарсон-саргардон қил-ди. Ҳатто бировларнинг уйини бировга кўрсатиб, «сотиб» кетаверди. Ёнг ёни —обрули партия, совет раҳбарлари номидан иш кўриб, уларни порахўр, юлғичга чиқарди.

Фирибгар аёл Самарқанд шаҳар Те-мирйўл район иқроия комитети раис-га фамилияда эканлигиндан ҳам устак билан фойдаланди. Ўзини раиснинг «қариндоши» қилиб кўрсатиб, Исмои-лов деган аёлнинг 3200 сўм пулини ол-ди.

— Квартира олиш осон эмас, — деди у. — Бу пуллари катталарга пора сифа-тида бераман.

Турган гапни, унинг қўлидан кварти-ра олиб бериш ҳам, бировларни жазодан кўтказиб қолш ҳам келмасди.

Сохта «подполковник» ҳаммаси бўлиб, лақмаларнинг 40 минг 446 сўм пул ва қимматбаҳо буюмларини ўзлаштирди. Ҳўш, баъзи одамларга ўзини Афғо-нистонда хизмат қилиб, Совет Иттифоқи Қахрамони унвоинини олган, «милиция подполковник» сифатида кўрсатган Ша-ҳодат Солиева ким ўзи?

У 1948 йили Самарқанд областнинг Самарқанд районидagi Чумчуқлик ки-шлоғида туғилган. Партиясиз, 8-синф маълумотига эга, 6 нафар фарзандан бор. Болаларини гўё «27 йилдан бери прокурор бўлиб ишлаган» турмуш ўртоғига ташлаб, республика бўйича изғиб юрган. Савқлиги, фирибгарлик учун илгари ҳам жазоланган. Бирок, амнистияга қилиниб, озод этилган. «Со-вет Иттифоқи Қахрамони»нинг бор-йўқ таржимаси ҳоли ана шулардан иборат.

Агар Шаҳодат ўз аёлини шанини бўлганганда, бошқалар қатори виждо-ни меҳнат қилганда сохта унволлар ўрнига ҳақиқий унволлар оларди, фар-зандларини меҳр билан парваршиларди, эл-юрт ўртасида чинакамга обрў-эъти-бор топарди. Лекин, сўроқ пайтида ўзини анқовликка, руҳий касалликка со-либ, ҳаммани чаплатмоқчи бўлган ва аёлга бир қаранг! У гувоҳлар, ўзи ал-даган лақмаларга худди таинмағандек ажабланиб тикилиди, титроқ қўллари билан ёқасини ёқимлаб, «Бу одамлар-ни биринчи марта кўриб турибман», дейди. Сўнг, телбалиниб ўзини ерга отади, оғзидан кўпик чиқади, кўйлагини тортиқлайди... Бу найрангларига тер-говчилар ҳам ишонди, деб ўйлайди. Барбир ишонимсизлик. Чунки, у тўрт муҷали бут, руҳий соғлом эди. Фақат уни енгил-елли ҳаёт кечиршига бўлган сўнгсиз иштиё, оққўлиги, қон-қонига сингиб кетган тамағирлик қийнади. Бу иллатни қаердан орттирганлигини билмаймиз, лекин бир нарсани аниқ биламиз: у «аёл» деган улуғ номдан, оналик шарафидан бутунлай маҳрум бўлган эди. Бу эса ҳақиқий фожиа. Бундай фожиа-қўрғиликни хотин-қизла-рининг бирортасига ҳам раво кўр-маймиз!

Солиевакў ўрта мактабни ҳам бити-рган, чала-савод бир фирибгар. Ле-кин, унинг гапларига лаққа тушган, ор-тидан эргашиб юрган одамларга нима бўлди! Наҳотки, улар ўзбек хотин-қизларини орасида Совет Иттифоқи Қахрамони йўқлигини билишмасан!

Бизнингча, «подполковникнинг» ўзига хос сирини бор: қурбонларини лақма-лар орасидан танлайди, ҳужжат суриш-тирадиганларга эзо қийнашмайди. Қа-ренгки, у республика районларига, пой-тахтимизда шунчалик шов-шув кўтариб-ди, узоқ вақтга у билан қизикқан-ди, ҳужжатини суриштирадиган одам топилабди. Яна Тошкент област су-ди биноси олдига кишиларни лақиллат-ганига нима дейсиз!

Сир эмас, баъзи идора, ташиқлотлар-да хали ҳам одамлар сарсон-саргар-дон қилинади, қавтирлар ноҳақ ақ-ратилади, ҳақ судларига одамлар бе-ҳуда жабрланмайдиган, ўғри бир ёқда қо-либ, тўғри қилин-қистовга олинади. Ана шундай адолатсизликлардан Шаҳодат Солиевага ўшаган тулғалар фойдалан-майди, кишиларнинг қўлини пуч вигон-қа тўлдирмайдиган дейсизми! Агар ҳамма қайта қуришга чин виждондан кириш-ганда, шикоят ва ишонсизликка ўрин қолмаганда эди, фирибгарлар «нажот-кор» сифатида майдонга тушмас, одам-ларнинг улар билан ишлари бўлмасди. Ана шундай кун келди. Партия — ва ҳукуматимиз жарангимиз иллатларига қарши аёвсиз кураш эълон қилиди, со-циал адолатни қарор топтироқда.

Этимиол, келажикда Шаҳодатга ўш-шаган фирибгарлар ва унга алданган лақмалар афсонага келар.

Бутун иллатларни қулатиб бўрон ан-глиг таг-томири билан сулуриб кетаёт-ган қайта қуриш одамларга умид-ишонч уйғотмоқда...

СУНГИ ХОТИМА. Суд Шаҳодат Солиевани 13 йилга озодлигидан маҳ-рум этди ва у йилга бағдарга қилди.

Фарида ОЛИМЖОНОВА,
Сергели район халқ суди судиси.

Эсон КОСИМОВ,
Тўқтанурод ТОШЕВ,
«Тошкент оқшомининг» махсус мух-бирлари.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

РЕКЛАМА
ВА ЭЪЛОНЛАР
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
8 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 ДА,
9, 10 ИЮЛЬ СОАТ 16 ВА 19.00 ДА
ХОРАЗМ САНЪАТКОРЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТИ
«АМУ — ГАНГ» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИ
ҚАТАНАШЧИЛАРИ РЕПЕРТУАРИДА
ҲИНД КИНОФИЛЬМЛАРИДАН
ҚУШИҚЛАР
Олдиндан билет сотиш кассаси очилган.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Справалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04,
44-35-84.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!
Красновосточний кўчасидagi темир йўлдан кесиб ўтш йўли капитал ремонт қилиниши муносабати билан
8, 9, 10 ИЮЛДА
АВТОТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ
ТЎХТАТИЛАДИ

Қорасув массиви томонидан келувчи барча турдаги транспортнинг Красновосточний кўчаси ҳаракати М. Горь-кий проспекти, Чермет-Проект, Чермет, Ж. Обидова кў-чалари бўйлаб икки йўналишда ташкил этилади.

Қайта йўналишда ҳам ҳаракат ана шу тартибда таш-кил этилади.

83-МАРШРУТ бўйлаб қатновчи автобуслар М. Горь-кий проспектидан икки йўналишда Чермет-Проект, Чермет, Ж. Обидова кўчалари, ҳалқа автомобил йўли ва у ёғига маршрут бўйича ҳаракат қилади;

— 3-МАРШРУТ бўйича қатновчи автобуслар Ж. Обидова кўчасидан икки йўналишда Чермет, Юфимов кў-чалари бўйлаб Високовольтний массивига ҳаракат қи-лади;

— 112, 491-МАРШРУТЛАР бўйича қатновчи автобус-лар Красновосточний кўчасидан икки йўналишда М. Горь-кий проспекти, Чермет-Проект, Чермет, Ж. Обидова кўча-лари ва у ёғига ўз маршрути бўйича ҳаракат қилади;

— 28-МАРШРУТЛИ ТАКСИ Красновосточний кўчаси-дан икки йўналишда М. Горький проспекти, Чермет-Прок-ет, Чермет, Ж. Обидова кўчалари ва у ёғига маршрут бўйича қатнайди;

— 3-МАРШРУТЛИ ТАКСИ Високовольтний массиви-дан Юфимов, Чермет-Проект кўчалари ва у ёғига М. Горь-кий проспекти бўйича ҳаракат қилади;

— 151-МАРШРУТЛИ ТАКСИ М. Горький майдонидан икки йўналишда Луначарский шоссе, Кобзев, Бело-ножко, Гулсанам кўчалари ва у ёғига Улугбекка олиб боруви кўча бўйлаб ҳаракат қилади.

Справалар учун телефон: 32-46-60.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИ-ТЕТИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ПАССАЖИР ТРАН-СПОРТИ ИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИ-ВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР Маданият
министрлиги

М. Қориеқубов номли
Ўзбек давлат концерт-
фирмаиния бирлашмаси

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ
НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ
МАДАНИЙ
ВА ИСТИРОҲАТ
БОҒИДА
(Яшил театрда)

7 ИЮЛЬ СОАТ 20.30 ДА
СОВЕТ-ҲИНДИСТОН
ДУСТЛИК
ФЕСТИВАЛИНИНГ
ЕПИЛИШИГА
ВАГИШЛАНГАН

Ўзбекистон ССР халқ ар-
тисти, Ўзбекистон Ленин
комсомоли мукофотининг
лауреати

Фулмонжон ЕҚУБОВ
ва

Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган артист, Ўзбе-
кистон Ленин комсомоли му-
кофотининг лауреати

Феруза СОЛИХОВА

КОНЦЕРТИ

Билетлар бoг кассасида со-
ат 14.00 дан бошлаб соти-
лади.

Тўй маросимларини
ўтказишга мослаштирилган
Авиасозлар маданият саройи

«САМО»

вокал чоғду ансамбли
музикачиларини, рақдоса-
ларини, кўшқичларини ва
суз устларини ансамблда
фаолит қўратсин учун

КАБУЛ ҚИЛАДИ

Бизнинг адрес: Метронинг
«Чкалов» станцияси, Авиасо-
злар маданият саройи, П-
қават, 90-хона.

Ҳар кун соат 17.00 дан
22.00 гача учрашш мумкин.

Марказий универсал ма-
гизини коллективни ташкил-
етар бўлиш катта тоғаршу-
лушоси И. А. Норхужаева-
га онаси

Ғолиба
ШАЙДУЛЛОВНИНГ
вафот этганини муносаба-
ти билан чуқур таъзия из-
ҳор қилади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Санъат саройи — 44.21.44,
44.21.34, 44.21.74.
Чайна — 77.06.20.
Ташсовет 50 йиллиги — 78-
47.25.
Қозғонистон — 35.24.92.
Ватан — 74.30.38.
Восток — 91.14.61.
Дружба — 67.96.87.
Мосова — 68.68.81.
Репертуардаги ўғаришлар
тўғрисида кинотеатрлардан
тулиқ маълумот олишингиз
мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қури-
лиши ва халқ контроли — 32-54-34; сановат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84;
шаҳар хўжалиги, савдо ва маъиш хизмати — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85;
фан ва ўқув юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тар-
бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ақборот — 33-28-95; катлар ва оммавий ишлар
— 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; мамоатчилли редякцияси — 33-59-42, 32-53-66;
«Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.